



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
3-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**  
профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**  
**Ф.А.Сафаров**  
**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**  
**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**  
**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**  
**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.

**Таҳририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Мургазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

<b>Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари	79
<b>Mohira Asqarboy qizi Umurova</b> Хизмат ko'rsatish tarmoqlarining iqtisodiyotda tutgan o'rni hamda rivojlantirish istiqbollari	83
<b>Ислом Исмоилович Эргашев</b> Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг хусусиятлари	86
<b>Jahongir Aktamovich Haydarov</b> Transport xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish	91
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Илёс Султанович Абдуллаев, Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов</b> Минтақа туризмида соҳа корхоналарининг бошқариш сегментининг нисбий талаб-таклиф модели	97
<b>Dilmurod Abdullayevich Nasimov, Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova</b> Turizm sohasini barqaror rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari	102
<b>Ruxshona Shavkatovna Rofeyeva</b> Samarqand shahri turizm infratuzilmasini rivojlantirishda yashil zonalar va bog'larning o'rni	105
<b>Shohista Bobobekovna Toyirova</b> Ekoturizm-global ekologik inqirozga qarshi innovatsion yechim	109
<b>Дилшод Мураткулович Абдураимов</b> Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш хусусиятлари	113
<b>Умиджон Рахимович Матякубов, Расулбек Кочкарбай ўғли Исаков</b> Хива ва Боғот туманларида туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари	118
<b>Дониёр Журакулович Абдуразаков</b> Қишлоқ туристик ресурсларини таснифлаш ва бошқаришнинг амалий масалалари таҳлили	122
<b>Dilrabo Shirinboyevna Mardonova</b> Mamlakatimizda mehmonxona biznesining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va prognozlash	126
<b>Амриддин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов</b> Туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубий асослари	131
<b>Зебинисо Бахтиёровна Навруз-зода</b> “КРП” воситасида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш	135
<b>Сирожиддин Шерали ўғли Халилов</b> Миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва унинг таркибий элементлари	140
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева, Шухрат Облокулович Кувандиқов</b> Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос функциялари	145
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Raxmatillo Mirolimovich Egamov, Sherzod Norboyevich Jumanov, Alisher Zokirovich Saydirasulov</b> Innovatsion tadbirlar asosida qurilish mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun marketing tadqiqotlarini o'tkazish usullari	149

<p><b>У.Матякубов, Р.Исаков</b></p> <p><b>Пути эффективного использования возможностей развития туризма в Хивинском и Багатском районах</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В данной статье представлен анализ современного состояния развития туризма в Хивинском и Багатском районах Хорезмской области, а также приоритетные направления развития сферы в будущем.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> туризм, турист, туристический ресурс, турмаршрут, турпродукт, гостиница, экотуризм.</p>	<p><b>U.Matyakubov, R.Isakov</b></p> <p><b>Ways of effectively using tourism development opportunities in Khiva and Bogot districts</b></p> <p><b>Abstract:</b> This article presents an analysis of the current state of tourism development in the Khiva and Bogot districts of the Khorezm region, as well as the priority areas of tourism development in the future.</p> <p><b>Keywords:</b> tourism, tourist, tourist resource, tour route, tour product, hotel, ecotourism.</p>
--	--

Дониёр Журакулович Абдуразаков – “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети докторанти

### ҚИШЛОҚ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** Мақола юртимиз қишлоқларининг туристик салоҳиятини ривожлантириш ва бошқариш масалаларига бағишланади. Мақолада туристик ресурсларни таснифлаш, қишлоқларда туристик бизнес учун шарт-шароитлар яратиш ва бошқариш ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** туризм, туристик ресурс, қишлоқ туризми, туризм маҳалласи, туризмни бошқариш, маданий мерос, табиий ресурслар

**Кириш.** Юртимизда туризм тараққий этиб секин-аста қишлоқларга кириб бормоқда. Бу эса мавжуд туристик ресурслардан унумлироқ фойдаланишни талаб қилади. Туристик ресурсларнинг мамлакат бўйлаб тарқалиши ва тақсимланиши турлича бўлиб, ҳар бир ҳудуд ўзига хос салоҳиятга эга. Қишлоқларда туризмнинг ривожланиши тадбиркорликнинг янги йўналишлари ва қўшимча иш ўринлари яратилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, қишлоқларда мавжуд туристик ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан тўғри фойдаланиш ва бошқариш алоҳида долзарблик касб этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Туристик ресурсларни тадқиқ этган олимлар бу мавзуга турли жиҳатдан ёндошиб, уларни турли белгилар бўйича таснифлашган ва таърифлар беришган. Хусусан, юртимиз олимларидан М.Қ. Пардаев, Р. Ҳайитбоев, М. Р. Болтабаев, И.С. Тухлиев, Б.Ш Сафаров, С.А. Абдуҳамидов, И.С. Тухлиев, Н.Т. Тухлиев, А.С. Солиев, М.Р. Усмонов, Б. Тураевларнинг, рус олимларидан В.Г. Гуляев ва Е.Я. Лебедьколарнинг ҳамда чет эллик олимлардан Les Killion каби олимларнинг берган таърифлари алоҳида эътиборга моликдир.

Туристик ресурсларни таснифлаш бўйича тадқиқот олиб борган олимлардан Н. Ибодуллаев<sup>1</sup> шундай таъкидлайди: “туристик ресурсларнинг таснифи бўйича мамлакатимиз олимлари, жумладан, М.Қ. Пардаев, И.С. Тухлиев, Н.Т. Тухлиев, А.С. Солиев, М.Р. Усмонов ва Б. Тураевлар ўз асарларида қисман тўхталишган бўлиб, улар асосан мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш масалаларига эътибор қаратишган. Аммо туристик ресурсларнинг таснифи бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб боришмаган”.

Шу билан бирга, Н. Ибодуллаев ресурсларни таснифлашга туристик хизматни ташкил этиш жиҳатидан ёндошиб, иккита асосий катта ва уларнинг таркибига кирувчи кичик гуруҳларга ажратади:

<sup>1</sup> Ибадуллаев Н. Э. “Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари” PhD илмий даражаси учун тайёрланган диссертация.

Бирламчи туристик ресурслар	Иккиламчи туристик ресурслар
1. Табиий	1. Жойлашиш
2. Тарихий	2. Овқатланиш
3. Ижтимоий-маданий	3. Транспорт
	4. Саёҳат ташкилотчилари
	5. Кўнгил очар объектлар
	6. Ахборот ресурслари
	7. Қўшимча хизмат ва сервис тармоғи

Бу кичик гуруҳлар ўз навбатида ўхшаш белгилари бўйича яна бошқа объектларни ўз ичига олади.

Мавжуд адабиётларни ўрганишларимиз олимлар томонидан туристик ресурсларнинг асосан истемолчини жалб этувчи хусусиятлари бўйича тадқиқ қилишганлиги ҳамда шу белгилар асосида таснифлашганлигини кўрсатди. Аммо, туристик ресурсларни бошқарув объекти ва субъекти сифатида тадқиқ қилган, таснифлаган ва таърифлаган илмий қарашлар учрамади.

Дарҳақиқат, туристик ресурслар ўз табиати ва ҳуқуқий асосига кўра бир-биридан фарқли бошқарув объектлари ҳисобланиб, уларни бошқариш ҳам турли субъектлар томонидан амалга оширилади.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур мақолада манбаларни таҳлил қилишда аналитик ва синтетик усуллардан фойдаланилган. Турли тадқиқотчиларнинг қарашлари тизимли ва умумлаштириш услублари воситасида ўрганилиб соҳага оид муаммолар аниқланган. Шунингдек, шахсий кузатиш ва мантикий фикрлаш усуллари ёрдамида муаллифнинг бир нечта илмий таклиф ва амалий тавсиялари ишлаб чиқилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, туристик ресурсларни бошқариш анча мураккаб вазифа бўлиб, уларни тўғри тасарруф этиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш бир қанча бошқарув субъектларининг ўзаро мувофиқлашган ҳаракатини талаб этади. Биз қишлоқларда мавжуд бўлган туристик ресурсларни бошқаришда бевосита ишпирок этувчи ёки уларга таъсир қилиш имконига эга бўлган бошқарув субъектлари бўйича қуйидаги 3 та асосий гуруҳга ажратиб ўрганамиз:

1. Давлат бошқарувидаги ресурслар;
2. Жамоавий бошқарувдаги ресурслар;
3. Шахсий бошқарувдаги ресурслар;

**Давлат бошқарувидаги ресурслар** деганда бевосита давлат назорати ва бошқарувида бўлган, давлат бошқарув органлари қабул қиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан бошқариладиган ресурсларни тушунамиз.

Бундай ресурслар ер, сув, тоғ, дарёлар, умуман барча табиат бойликларини ўз ичига олиб, умумий фойдаланишда бўлса-да, ҳуқуқий жиҳатдан давлат ҳимояси ва бошқарувидаги объектлардир. Яъни, туристларни жалб этишда асосий ресурс ҳисобланадиган табиат бошқарув объекти сифатида давлат томонидан бошқарилади.

**Жамоавий бошқарувдаги ресурслар** деганда ҳуқуқий жиҳатдан аниқ бир субъектга тегишли бўлмасдан жамоавий ҳаётнинг табиий ҳосиласи ҳисобланадиган ресурсларни тушунамиз.

Бундай ресурслар туристларни қишлоққа жалб этиш воситаси бўлиш билан бирга туристик хизматлар сифатини таъминловчи асосий унсурлардан бўлиб ҳисобланади. Масалан, қишлоқ аҳлининг меҳмондўстлиги ёки қишлоқнинг меъморий қиёфасини шу каби ресурсларга мисол қилиб келтириш мумкин.

Қишлоқнинг меҳмондўстлиги жамоавий ҳолатда намоён бўладиган ўта муҳим ижтимоий ресурс бўлиб, унинг яхши ёки ёмон томонга ўзгариши туристик хизматлар сифатига жиддий таъсир этади.

Қишлоқнинг меъморий қиёфаси ҳам ўта аҳамиятли ресурс бўлиб, жамоавий тарзда шаклланади. Аммо, бу ресурс асосан жисмоний шахслар бошқарувидаги хусусий уй-жойлар тўпламидан ташкил топади ва уни ўраб турган табиат билан уйғун бўлса алоҳида туристик қиймат касб этади.

Бошқарув жиҳатидан, бундай ресурслар алоҳида турдаги жуда мураккаб бошқарув

объекти ҳисобланиб, уларга фақатгина жамоавий ҳаракат воситасидагина таъсир этиш мумкин.

**Шахсий бошқарувдаги ресурслар** деганда ҳуқуқий жиҳатдан аниқ бир юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлган, бевосита хусусий (бизнес) бошқарувдаги ресурсларни тушунамиз. Уларга хусусий инвестициялар, шахсий уй-жойлар, касбий билим ва кўникмалар, меҳмонхона ёки хусусий рекреация объектларини киритиш мумкин.

Бу ресурсларга эгалик қилувчилар туристик фаолиятдан даромад олувчи асосий бўғинни ташкил этиб, бизнес бошқаруви объекти ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқларда туризмни ривожлантириш учун туристик ресурсларни бошқарув объекти сифатида тадқиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади ва ўзига хос ёндошувни талаб этади. Қишлоқнинг туристик салоҳиятини самарали бошқариш юқоридаги 3 хил бошқарув субъектлари фаолиятининг мувофиқлашув даражасига боғлиқ бўлади. Фикримизча, уларни бошқаришни бир-биридан айри ҳолда амалга ошириш кўзланган натижаларга эришишга имкон бермайди.

Юқоридагиларга мувофиқ, биз қишлоқда туристик ресурсларни бошқарув объекти сифатида қуйидагича гуруҳлаш ва таснифлашни таклиф қиламиз

Давлат бошқарувидаги ресурслар	Жамоавий бошқарувдаги ресурслар	Шахсий бошқарувдаги ресурслар
1. Табиати ва табиий ландшафт. 2. Тарихий ва табиат ёдгорликлари. 3. Инвестиция лойиҳалари. 4. Молиявий ресурслар (дотация, субсидия ва субвенциялар).	1. Қишлоқнинг меъморий қиёфаси. 2. Меҳмондўстлик ва ижтимоий “илиқлик”. 3. Урф-одатлари ва маданий ўзига хослик. 4. Иқтисодий ўзига хослик (фаолият турига кўра ихтисослашув).	1. Шахсий бизнес режалар. 2. Билим ва кўникмалар. 3. Туризмга йўналган инсон капитали. 4. Янги ғоялар.

Қишлоқлар бу ресурсларга ёки уларнинг баъзиларига эгалик қилиш даражасига қараб бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, бу ресурслардан фойдаланишнинг тараққий этганлик даражаси ҳам турлича бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижасида шаклланиб боради. Бунинг оқибатида мамлакатнинг қишлоқ ҳудудларида ўзига хос ижтимоий-иқтисодий вазият ва ҳаёт тарзи шаклланади. Бу эса пировардида қишлоқнинг қандай туризм салоҳиятига эга бўлишини белгилаб беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Ушбу фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда қишлоқлардаги туристик ресурсларни бошқариш бўйича умумий мувофиқлашган ёндошув мавжуд эмас. Масалан, давлат бошқарувидаги туристик ресурслар бир қанча органлар тасарруфида бўлса, жамоавий бошқарувдаги ресурслар учун масъул бўлган аниқ бир ташкилот йўқ. Оқибатда қишлоқ ҳудудида тадбиркорликка оид қарорлар, айниқса табиий ресурслардан фойдаланиш уларнинг туристик аҳамиятини инобатга олмаган ҳолда амалга оширилади. Натижада, қишлоқларнинг туризм салоҳиятига жиддий путур етиш хавфи ўсиб боради.

Гарчи, Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги Қонунининг бир қанча моддаларида<sup>1</sup> туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, сақлаш ва ривожлантириш ҳақида гап борсада буни амалга ошириш механизми, туристик ресурсларнинг ҳуқуқий таърифи ва аниқ кадастр рўйхати мавжуд эмас. Юқоридагиларга асосланган ҳолда биз қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳузурида туристик ресурсларнинг ҳуқуқий таърифини ишлаб чиқиш;
2. Ҳудудлар кесимида давлат ва жамоавий бошқарувда бўлган туристик ресурслар рўйхатини шакллантириш;

<sup>1</sup> 18.07.2019 йилдаги 549-сон ЎРК 6, 7, 8, 9, 10, 17 моддалар

3. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” Қонунларини “туристик ресурслар” тушунчаси билан тўлдириш;
4. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги номини “Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос ва туристик ресурслар агентлиги” номига ўзгартириш ва агентликка туристик ресурсларни муҳофаза қилиш ваколатини бериш;
5. Табиат ресурсларидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда Агентлик билан маслаҳатлашиш мажбуриятини белгилаш;  
Дарҳақиқат, қишлоқ ҳудудларидаги туристик ресурсларни бошқариш ва улардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш қишлоқ аҳолиси учун барқарор даромад манбаи яратишининг муҳим омилларидан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорига 8-ИЛОВА.
4. 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ.
5. Ж.Х. Исмоилова, М.С. Мухамедова Маданий туризмнинг тадқиқот ва тарғибот тамойиллари// “Фан” нашриёти, Тошкент, 2018.
6. M.R. Boltabayev, I.S. Tuxliyev, B.Sh. Safarov, S.A. Abduxamidov., Туризм: назария ва амалиёт// “Фан ва технология” нашриёти, 2018.
7. Р. Ҳайитбоев, Экологик туризм: ўқув қўлланма// “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2021.
8. Ade Oriade, Peter Robinson., Rural Tourisme and Enterprise: management, marketing and sustainability// CABI, Wallingford, United Kingdom, 2017.
9. Barry Dalal-Clayton, David Dent, Olivier Dubois., Rural Planning in developing countries// Earthscan Publications Ltd, New York.
10. Alejandro D. Ramos, Pablo S. Jimenez., Tourism Development: economics, management&strategy// Nova Science Publishers New York, 2019.
11. Е.Я. Лебедько, Е.Н. Кислова, В.Е. Ториков., Селкский туризм// “Лань” нашриёти, Санкт-Петербург, 2021
12. Мамраева Д. Г., Ташенова Л. В. Методический инструментарий оценки туристскорекреационного потенциала региона // Экономика региона. — 2020. — Т. 16, вып. 1. — С. 127-140
13. Н. В. Святохо., Концептуальные основы исследования туристского потенциала региона, Экономика и управление № 2, 2007й
14. А.Ш. Холбаев., Туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари// Iqtisodiyot va ta'lim, 2022-yil 2-son
15. <https://lex.uz/>

<p><b>Д. Абдуразаков</b></p> <p><b>Анализ практических вопросов классификации и управления сельскими туристическими ресурсами</b></p> <p><b>Аннотация:</b> Статья посвящена развитию и управлению туристическим потенциалом сел нашей страны. В статье говорится о классификации туристских ресурсов, создании и управлении условиями для развития туристического бизнеса в селах.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> туризм, туристический ресурс, сельский туризм, туристическая деревня, туристический менеджмент, культурное наследие, природные ресурсы.</p>	<p><b>D.Abdurazakov</b></p> <p><b>Analysis of practical issues of classification and management of rural tourist resources</b></p> <p><b>Abstract:</b> The article is devoted to the development and management of the tourism potential of the villages of our country. It talks about the classification of tourist resources, the creation and management of conditions for the development of tourist business in villages.</p> <p><b>Keywords :</b> tourism, tourist resource, rural tourism, tourism village, tourism management, cultural heritage, natural resources.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023